O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 10 апрель, чоршанба • №28 (11.416) • Эркин нархда сотилади

Буюк соҳибқиронга эҳтиром

Халқимиз тарихда ўз фаолияти билан доврўғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотларни ҳамиша эъзозлаб келган. Буюк соҳибқирон Амир Темур шундай сиймолар сирасига киради.

Истиқлолга эришганимиздан кейин жаҳонгир бобокалонимизнинг таваллуд кунларини кенг нишонлаш яхши анъанага айланди. Бу йил ҳам 9 апрель куни эрта тонгданоқ пойтахтимизнинг ул зоти шарифнинг номлари билан аталувчи сўлим хиёбон жамоатчилик вакиллари, юртимиз меҳмонлари, зиёлилар, талаба ёшлар билан гавжум бўлди.

Амир Темурнинг 666 йиллигига бағишланган тантанали тадбирни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов очди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н. Ҳабибуллаев, Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси М. Зокирова ва бошқалар истиқлол туфайли Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланганини таъкидлашди.

Мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари қўяётган ҳар бир қадамида миллатимизнинг фахри ва ифтихори соҳибқирон ҳазратларининг руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Боиси – ул зотнинг бутун фаолияти миллатнинг бирлиги, юрт озодлиги, мамлакат фаровонлиги учун кураш тимсолига айланганидадир.

Шуниси эътиборлики, бу йил биз, миннатдор авлод улуғ саркардага бешик бўлган кўҳна Кеш – Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйини кенг кўламда нишонлаймиз. Зеро, Темур ва темурийлар даврининг улуғ мероси нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга эгадир. Соҳибқироннинг ҳаёт шиори – эзгулик, яхшилик, бунёдкорлик инсоният фаолиятининг бош мақсади бўлиб келган.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур руҳи покларига самимий эҳтиром рамзи сифатида ул зотнинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов қатнашди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур абадияти" мавзусида илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган тантаналар бутун мамлакатимизда давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ИШЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида ускуналар ва хизматларни халқаро андозалар даражасида сертификатлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

— Республикамиз мустақилликка эришгандан бери соҳамизга уч юз миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициялари жалб қилинди, — деди агентлик бош директори ўринбосари Аъзам Избосаров. — Ушбу маблағлар ҳисобига янги компьютер технологиялари, рақамлишиша толали кабеллар келтирилди, рақамли станциялар қурилди. Рақамли тармоқлар республиканинг барча ҳудудларига етиб борди. Шунинг натижасида иш сифатимиз яхшиланиб, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайиб бормоқда. Янгидан-янги алоқа иншоотлари қурилмоқда.

Йиғилишда соҳада сертификатлашнинг ҳаққоний бўлиши учун ўлчовлар аниқлигига эришиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Бунинг учун ҳозирги кунда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳамда «Тошкент почтаси» акциядорлик жамиятларида ИСО-9000 сериясидаги сертификатлашни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ишлари бошлаб юборилди.

«Туркистон-пресс».

ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жойларда кенг қамровли тарғибот ва меҳр-мурувват тадбирлари ўтказила бошланди

Туманнинг олис-яқин қишлоқларидан икки юздан кўпроқ аёл ўтган шанба куни «Пскент» ширкат хўжалиги дала шийпонига тўпланди. Ўттиз йиллик тажрибали пахтакор Дилбар Норматова, таниқли пиллакор Тўхтахон Эшназарова, меҳнатлари билан юртда ном қозонган Марҳамат Исаева, Каромат Юнусова ва бошқа аёллар даврани тўлдириб ўтиришди.

— Вилоятимиз қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик ва пиллачиликни ривожлантиришда Пскент туманининг муносиб ўрни бор, — деди анжуманда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова. — Туман эришаётган ютуқларда сиз азиз опа-сингилларимизнинг ҳиссаларингиз катта. Оила ва уй-рўзғор ташвишлари, фарзанд тарбияси билан бирга фидокорона меҳнатларингиз билан мустақил мамлакатимиз иқтисодий қудратини кўтармоқдасиз. Ўлкамизда Наврўз нафаси кезиб юрган шу қутлуғ кунларда «Ҳорманг!» дея ҳузурингизга келдик.

Шу куни Пскентнинг меҳнатсевар аёллари улуғланди. «Пскент», Навоий номли, Дўстбеков номли, Охунбобоев номли ширкат хўжаликларининг меҳнатда тобланган, донгдор аёлларининг номи тилга олинди.

— Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бош бўлиб, Меҳр-мурувват ташвиқот гуруҳи ташкил этилди, — деди қўмита раисининг ўринбосари Муҳаббат Шоюсупова. — Шу гуруҳ фаолиятида «Наврўз», «Соғлом авлод учун» «Маҳалла», «Болалар», «Ибн Сино» жамғармалари ва Қизил ярим ой жамиятининг вилоят бўлимлари фаол иштирок этишаяпти. Сайёр ташвиқот гуруҳи Пскентда бошлаган мана шундай тадбирлари барча шаҳар ва туманларда давом этади. Мақсад — хотин-қизларимизнинг ҳаёти, меҳнати, яратилган шарт-шароитлар билан танишиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маданий ва тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

Давра қатнашчилари «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Гулсанам Ваҳобованинг аёлларда камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш муаммолари, вилоят «Аёл ва саломатлик» марказининг раҳбари, 8-март санаторийсининг бош шифокори Гулчеҳра Иброҳимованинг оналик ва болалик тўғрисидаги суҳбатларини тинглашди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг кўчма тиббий-ижтимоий патронажи шифокорлари кун бўйи аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Зарур маслаҳатлар берилиб, дори-дармонлар тарқатилди. Вилоят маданият ишлари бошқармаси қошидаги «Шалола» ашула ва рақс дастаси санъаткорларининг куй-қўшиқлари даврага алоҳида файз киритди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: сайёр тарғибот гуруҳи Пскент туманида ўтказган тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҳаёти

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Болалар» жамғармаси шаҳар бўлимининг ташаббуси билан «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзуида тадбир ўтказилди.

Шу куни турли миллат вакилларидан иборат 212 нафар 90-100 ёшли момолар Наврўзнинг тансиқ таомлари билан безатилган тўкин дастурхон атрофида мириқиб суҳбатлашдилар. Улар шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижро этган куй ва қўшиқлардан ҳам баҳраманд бўлишди.

— Кексаларимизни эъзозлаш, уларнинг аҳволидан хабар олиш савоб ишлардан биридир. Шунинг учун ҳам биз қарияларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришни ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз, — деди «Болалар» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Дилбар Тожиева.

Муқаддас АЛИЕВА.

ТРАНСПОРТ ТЕКИН

Олмалиқлик отахон ва онахонлар Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан шаҳардаги барча ички йўналиш бўйича қатновчи автобус, троллейбуслардан ҳамда йўналишли такси хизматидан бепул фойдаланадиган бўлди.

"Олмалиқ транспорти" бошқармаси шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда қарияларга дастлабки ўттизта ана шундай ҳуқуқ берувчи махсус гувоҳнома тарқатди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси сафида юзлаб фахрийлар ҳамон ишлаб, ўзларининг бой тажрибаларини ёш касбдошларига қунт билан ўргатмоқдалар.

Бундан ташқари, корхонада узоқ йиллар давомида сидқидилдан меҳнат қилиб, эндиликда пенсияга чиққанлар ҳам кўп.

Бирлашмада уларни вақти-вақти билан йўқлаб туриш, моддий ёрдам бериш яхши анъана бўлиб қолган. Яқинда улар учун яна бир тадбир уюштирилди. 250 нафар фахрийлар катта дастурхонга таклиф қилинди. Улар Наврўз таомлари билан сийланиб, уларга турли-туман совғалар улашилди, моддий ёрдам кўрсатилди. Бир гуруҳ санъаткорлар ва корхона қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари ўзларининг куй-қўшиқлари, рақслари билан кексаларни хушнуд этдилар.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 5 апрель куни халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўткир Убайдуллаевич Неъматов туман ҳокими лавозимидан озод этилди. Қамбарали Тешабоевич Эшонқулов Бўстонлиқ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ЧИГИТНИ ҚЎЛДА ЭКМОҚЧИМИСИЗ?»

Газетанинг 9 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада сеялкаларни экишга тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқ далил ва рақамлар асосида танқид қилинган эди. Бироқ газетанинг ушбу танқидий чиқиши айрим туманларнинг мутасадди раҳбарлари томонидан эътиборсиз қолдирилганди. Таҳририятнинг қайта мурожаатидан сўнг, ниҳоят, жойлардан жавоб мактублари кела бошлади.

Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Деҳқонбоевнинг имзоси билан жўнатилган жавоб хатида чигит экиш мавсумига тайёргарлик кўришда ҳақиқатан ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилгани, хусусан, плёнка остига чигит қадайдиган агрегатлар вақтида тўлиқ созлаб қўйилмагани ўринли танқид қилингани эътироф этилган. Мақола махсус штаб йиғилишида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, МТП давлат акциядорлик жамияти, бошқа тегишли ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари иштирокида муҳокама қилиниб, камчиликлар ўрнини тўлдириш чоралари кўрилди. Натижада мавжуд 56 та сеялканинг ҳаммаси экишда юз фоиз иштирок этиши таъминланди.

Қуйичирчиқ туман ҳокимининг биринчи муовини Собиржон Султонбековнинг имзоси билан келган мактубда таъкидланишича, танқидий мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун МТП мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, «Пахтачи», «Янги ҳаёт», Беруний ва Ҳамза номли хўжаликлардаги носоз сеялкалар бир ҳафтада қайта таъмирдан чиқарилиб, ишга туширилган.

Пскент туман ҳокимининг биринчи муовини Бегимқул Дўстбеков ҳамда Бўка туман ҳокими муовини Сирожиддин Валиев имзоси билан йўлланган жавоб хатларида ҳам мақолада келтирилган танқидий фикр-мулоҳазалар тўғри эканлиги тан олиниб, уларни бартараф этиш борасида амалий чоралар кўрилганлиги маълум қилинган. Ҳозир бу икки туманда чигит экиш ишлари ҳал қилувчи босқичга кирган.

Муносабат

ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ НЕГА ТАНҚИС?

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари хонадонларида газ ўлчагичлардан фойдаланишдаги қолоқликка чек қўйиш вақти келди

Мустақилликка эришган мамлакатимизда аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кенг кўламда амалга ошириляпти. Аҳолини, айниқса қишлоқ хонадонларини табиий газ билан таъминлашни кенгайтириш юзасидан изчил олиб борилаётган ишлар ҳам шунга хизмат қилмоқда. Шаҳарлар, аввало қишлоқларнинг уй-жой фондини газ тармоқларига улаш давом эттириляпти. Шу туфайли хонадонларни газлаштиришнинг даражаси вилоят бўйича 82 фоизга етди. Жами 371,7 минг хонадон «зангори олов»дан фойдаланмоқда. Ҳар ойда ўртача 320 миллион сўмлик газ сотиляпти.

Газга фақат ёқилғи тури деб қараш мумкин эмас. Айни вақтда у бебаҳо хомашё ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу қимматли хомашёни ҳар томонлама тежаб-тергаб сарфлаш, ортиқча исроф бўлишига, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик лозим. Бунга эришишнинг энг самарали тадбирларидан бири эса, барча корхона-ташкилотлару хўжаликларни, уй-жойларни газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам шу мақсадга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Унда қайд қилинишича, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, 1999-2004 йилларда уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашнинг тасдиқланган дастурида назарда тутилган топшириқлар бажарилмаяпти. Кейинги уч йил ичида дастурда белгиланган топшириқларнинг 7 фоизи ҳажмида шундай мосламалар ишлаб чиқарилган, холос.

Вилоятимизда ҳам газ ўлчагич приборларини ўрнатиш ишлари қониқарсиз олиб борилаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Бунинг устига жойлардаги ҳокимлик мақкамалари, мутасадди ташкилотлар бу соҳа бўйича дастурларнинг бажарилишини таъминлаш учун етарли ташкилий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаяптилар, ўлчагичларнинг ўрнатилиши уй эгалари учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали, газ кўплаб тежаб қолинишининг муҳим омили эканлиги етарли тушунтирилмаяпти. Бунинг оқибатида мавжуд имкониятлар ҳам ишга солинмади.

Ҳозирги вақтга келиб вилоятимизда газ сарфини ҳисоблайдиган асбоблар ўрнатилиши бор-йўғи 8,6 фоизни ташкил этиб турибди.

Лекин, бу муҳим ишга лозим даражада эътибор билан муносабатда бўлинаётган айрим шаҳар ва туманлар ҳам бор. Уларда муайян ютуқларга эришилмоқда.

Айниқса, Оҳангарон туманида газлаштирилган хонадонларга «зангори олов» ўлчагичларини ўрнатиш яхши бораяпти. Бу ерда газ тармоқларига уланган уйлар ва якка тартибдаги хонадонларнинг 50 фоизида шундай ўлчагичлар ишлаб турибди. Туманда газни ҳисобга олиш мосламалари ўрнатилмаган янги қурилган уйлар фойдаланишга қабул қилинмайди. Уларни газ таъминоти мажбуриятини ўз муаммоларини ечишга ташлаб, ўзлари ҳеч нарсадан ташвишланмаяпти. Ҳатто

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги



Бизнинг ислоҳотлар йўлидан, халқимизга муносиб ва фаровон ҳаёт яратиш йўлидан олға юришимиз кўп жиҳатдан тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасида амалга ошираётган ишларимизнинг қанчалик юқори суръатда ривож топишига узвий боғлиқ. Барчамиз шу оддий ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олишимиз шарт.

Ислом КАРИМОВ.

Ангренда банклар сони яна биттага кўпайди. Шу вақтгача бу тузилмалар тўртта эди.

ДАСТЛАБКИ КРЕДИТНИ ОЛИШДИ

Шаҳарда саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш ишларининг кенгайганлиги, кичик ва ўрта бизнес ривожланаётганлигини ҳисобга олиб, «Ўзбексаноатқурилишбанки»нинг Тошкент минтақавий бўлими қошида Ангрен минибанки ўз фаолиятини бошлади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу банк ҳам дастлабки иш кунидан бошлаб тадбиркорлик тузилмаларига сармоя билан ёрдам беришга киришди. Уларнинг талабномалари тез кўриб чиқилиб, осон ҳал қилинмоқда. Минибанк биринчи кредитни «Систем-ҳимоя» кичик корхонасига ажратди. Унда турли хил муҳофаза сигналлари ишлаб чиқарилади ва уларга талаб катта. Аккумуляторлар тайёрлашга ихтисослашган «Шер» кичик корхонаси ҳам банк кредитидан бахраманд бўлди. Бу тадбиркорлик тузилмасида ишлаб чиқарилаётган аккумуляторлар барча турдаги автомашиналарда фойдаланишга мўлжалланган. Уларга берилган кредитлар ҳажми 40-50 миллион сўмдан бўлди. Бундан ташқари, банк 15 нафар жисмоний шахсларга ҳам микрокредитлар берди. Улар асосан имтиёзли бўлди. «Турон» кичик корхонаси ва қатор бошқа тадбиркорлик тузилмалари ҳам банк билан кредит олиш юзасидан шартнома тузиш ҳаракатидалар.

ТАДБИРКОРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

Бекобод туманининг Зафар қўрғонида фаолият юритаётган тадбиркор Собиржон Ҳакимовни кўпчилик яхши танийди. Негаки, янгиликка ўч, тиниб-тинчимас бу инсон кичик бизнеснинг катта имкониятларини рўёбга чиқариш учун бор куч-ғайратини сарфлаяпти. Мунтазам изланиш, ишга онгли муносабатда бўлиш ютуқларга йўл очмоқда.

Эркин меҳнат фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган Собиржон ака ўз боқувидаги чорва молларини сотиб, маблағ тўплаб тадбиркорлик билан шуғулланишга киришди. Бунинг учун қаровсиз ётган ошхона биносини сотиб олди ва бу ерда сутни қайта ишловчи мўъжазгина цехни ташкил этди.

Дастлаб кунига 60 литр сутни қайта ишлаган корхонада тинимсиз изланиш туфайли ишлаб чиқариш қуввати ошиб бораверди. Пировардида «Оқчашма» хусусий корхонаси ўз маҳсулотлари билан танила бошлади. Ҳозир корхонада 11 киши меҳнат қилади. Уларнинг куч-ғайрати билан кунига 700-800 литр сут қайта ишланиб, ундан саккиз хил маҳсулот тайёрланмоқда ва истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Асосий хомашё – сут асосан туманда фаолият юритаётган фермер ва ширкат хўжаликларидан шартнома асосида келтирилаяпти.

– Республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган, – дейди корхона раҳбари С.Ҳакимов. – Биз буни ўз фаолиятимиз мисолида ҳам яққол сезиб турибмиз. Корхонамиз аҳли бугунги талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олиб, кефир, пишлоқ, қаймоқ, биолакт, оқсилли творог ва сметана каби 8 турда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Буюртмачилар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Шундан бўлса керак, маҳсулотларимизнинг бозори чаққон бўлаяпти.

Кичик корхона ўз маҳсулотларини Бекобод металлургия комбинати, санаторий-профилакторийларга, «Металлург» футбол жамоасига, туман шифохонасига ҳамда болалар боғчаларига етказиб бераяпти.

2001 йилда 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1 миллион 260 минг сўм соф фойда олинди. Ундан кам таъминланган оилаларга, жамоат ташкилотларига имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, ўтган йили 500 минг сўмлик хайрия ишлари бажарилди. Туман шифохонасига 300 минг сўм маблағ ўтказилди. Кам таъминланган оилаларнинг шартнома асосида ўқиётган фарзандлари учун ҳам оталиқ ёрдами кўрсатилмоқда.

«Ташаббус-2002» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи ўринни олган «Оқчашма» хусусий корхонаси жамоасининг бу йилги режалари ҳам чакки эмас. Ойбек ширкат хўжалиги ҳудудида қурилаётган автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, умумий овқатланиш тармоғини ишга тушириш, чорвачиликка ихтисослаштирилган ферма ташкил этиш, энг муҳими чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

СУРАТДА: тадбиркор Собиржон Ҳакимов ҳамда Кимёхон Ҳакимовалар тайёр бўлган маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

«ЧИЛАНГАР» ДАДИЛ РИВОЖДА

Бозор иқтисодиёти шароити тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳар бир ишбилармондан пухта ва аниқ режа асосида иш олиб боришни тақозо этади. Шунда кўзланган мақсадга эришиш осон бўлади. Мана шунга амал қилаётган тадбиркорлар бугун вилоятимизда анчагина. Оққўрғонлик Омон Рисмуҳаммедов ҳам худди шундайлар сирасига киради.

Омон Рисмуҳаммедов олий маълумотли муҳандис. У қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш устахоналарида, «Оққўрғон» ширкат хўжалигида муҳандис бўлиб ишлаб юрган кезларида бу соҳада анча пишиб қолган эди. Шулар асосида унда мустақил иш юритиш фикри туғилди. Дастлаб у қаровсиз ётган бинони сотиб олди. Бу ерга токарлик, фрезерлик, пармалаш ва бошқа керакли дастгоҳларни келтириб мўъжазгина чилангарлик цехини ташкил этди.

Ҳозир Омон Рисмуҳаммедов етакчилик қилаётган «Чилангар» хусусий корхонаси қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш билан шуғулланмоқда. 12 нафар кишини ўз сафига бирлаштирган жамоа 1997 йилдан бери тумандаги кўплаб ширкат ва фермер хўжаликларига турли машина-механизмларни қайта тиклашда яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, биргина ўтган йили 1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Корхонада ташкил этилган тегирмонлар ҳам меҳнаткашларнинг корига яраб турибди. Уларда ун, гуруч ва омухта ем тайёрланаяпти.

Ишлаб топилган даромад ҳисобидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 23-ўрта мактабни таъмирлаш ишларига кўмаклашилмоқда. Бундан ташқари, корхона фаолиятини янада кенгайтириш учун ҳам бир қатор муайян ишлар қилинаяпти. 2001 йилда жамоа жами 6 миллион сўм даромад қилган бўлса, унинг 2 миллион сўми соф фойдани ташкил этди. Яқинда бу ерда электр двигателларининг чулғам симларини ўраш ҳамда унинг чиқиндиларидан занжир ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тадбиркор жорий йил охиригача қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қандолатлар ишлаб чиқариш цехларини фойдаланишга топшириши режалаштирган. Бу цехлар ишга тушса, яна қўшимча 50 нафар фуқаро иш билан таъминланади. Дарвоқе, яқинда туманда бўлиб ўтган «Ташаббус-2002» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчи ўринни олган Омон Рисмуҳаммедовнинг яқин келажакда амалга оширмоқчи бўлган ишлари шундай.

– Мактаб ўқувчиларига, ҳалол меҳнат қилиб, қарилик гаштини сураётган кексаларга, якка- ёлғиз яшовчиларга ва бошқа кўнгли ярим инсонларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишни эса, инсонийлик бурчимиз деб биламиз ва уни янада кенгайтирамиз, – дейди тадбиркор.

ХОМАШЁСИ – ЧИҚИНДИ

Чирчиқ шаҳридаги кичик ва ўрта бизнес тузилмалари қаторига яна бир янги корхона қўшилди.

Тадбиркор Б. Яҳёев ташкил этган мазкур корхона асосан хомашё сифатида чиқиндилардан фойдаланади. Жумладан, кимё саноати қолдиқлари, қоғоз чиқитлари ҳамда аминопластлардан мактаб ўқувчилари учун пластилинлар, электр жиҳозлари учун қобиқлар, уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда.



Солиққа тортиш қоидаларини биласизми?

Саволларга Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими жавоб беради.

Савол: Участка солиқ инспекторлари фаолиятини тафтишдан ўтказиш натижалари юзасидан тузиладиган далолатномалар Ф-2 китобида рўйхатга олинадими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг 2002 йил 7 январдаги 08 сонли буйруғида участка солиқ инспекторлари фаолиятини тафтишдан ўтказиш натижалари юзасидан тузиладиган далолатномаларни Ф-2 китобида рўйхатга олиш қайд этилмаган. Демак, бу далолатномалар рўйхатга олинмайди.

Савол: Тадбиркорлар томонидан пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида бадал тўланиши мажбуриймми ёки ихтиёрийми?

Жавоб: Мажбурий. Чунки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс бўлмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартиби»нинг II бўлим 5-бандида «Тадбиркор ўзидаги мавжуд имкониятлардан ҳамда пенсия билан таъминланиш ва ижтимоий суғурта бўйича нафақанинг ўзи истайдиган миқдоридан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайди, бироқ у бадалларнинг мазкур «ТАРТИБ»да белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак» дейилган. Шу бўлимнинг 6-бандида «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалларининг энг кам миқдори ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорни, ёшига оид пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган тадбиркорлар учун эса, энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак» дейилган.

Савол: Хусусий тадбиркорлик гувоҳномасини олиб, ўз томорқасида чорвачилик билан шуғулланаётган фуқаролар пенсия жамғармасига суғурта бадалини тўлайдиларми?

Жавоб: Тўлайдилар. Чунки, республика Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган 351-сонли қарори билан тасдиқланган «ТАРТИБ»нинг биринчи бўлими 2-бандида «Тадбиркор давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш билан бир пайтда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадал тўловчи сифатида давлат ижтимоий суғурталанадиган шахсга айланади» дейилган.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Юқоричирчиқ туманида кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб 600тадан кўпроқ шундай тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

Улар орасида чет эллик сармоядорлар билан биргаликда барпо этилган кўшма корхоналар ҳам бор. Бундан ташқари, саноатда ўттизтадан ортиқ қурилишда йигирматадан ошиқ тадбиркорлик тузилмалари барпо этилган. Қишлоқ хўжалигида, савдо-сотиқ, маиший хизмат соҳасида ишлаб турган кичик ва ўрта бизнес корхоналари эса янада кўпроқдир.

Бунда туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг муносиб ҳиссаси бор. Аъзолари сони бир минг юзтадан ошиб кетган палата ишбилармонларга ҳужжатларни расмийлаштириш, тадбиркорликка оид фармонлар, қонунларни тушунтириш, уларни ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор қилиш ишларини муттасил олиб бормоқда. У хусусий тадбиркорлик, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган эллик нафардан ортиқ жисмоний шахсга банкдан кредит олиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаб берди, бизнес-режа тузилишига кўмаклашди.

Палата қошида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатувчи «Ахборот-консалтинг маркази» фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. У туманда янги очилаётган тадбиркорлик тузилмалари, фермер-деҳқон хўжаликлари ва жисмоний шахсларга таъсис ҳужжатларини расмийлаштириш, ишни қандай бошлаш ва юритиш бўйича амалий маслаҳатлар бермоқда.

УЛАРНИНГ СОНИ УЧ МИНГДАН КЎПРОҚ

Тошкент туманида ҳам мулкчиликнинг бу тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Чунончи, хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнеснинг янги тармоқларини ташкил этиш, хорижий сармоядорлар кўмагида янги қўшма корхоналар очиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар изчил олиб борилмоқда.

Айни пайтда туманда 3 мингдан кўпроқ тадбиркорлар фаолият юритишаяпти. Ўтган йили улар ҳисобига 1000 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Тадбиркор ва фермерларга 350 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ва микрокредитлар берилди.

Туман тадбиркорлар палатаси қошида ташкил этилган ахборот маркази уларга маркетинг хизмати кўрсатиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда бизнес режалар ишлаб чиқишда яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Унинг ходимлари иштирокида 12та қишлоқ фуқаролар йиғинида ишбилармонлар учун турли долзарб масалалар бўйича кўчма семинарлар ўтказилди.

Анъанаавий «Ташаббус» кўрик-танловининг яқинда бўлиб ўтган бу йилги вилоят босқичида «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Ботир Тўхтаниёзовнинг «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаши ҳам туманда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ибратли ишлар олиб борилаётганлигидан далолатдир.

– Жорий йилда яна 1000 та иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги технологияларни ўрнатиш ҳамда ички ва ташқи бозорни экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, – дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Баҳодир Бадалхўжаев. – Туманимизда яхши фаолият юритаётган корхоналар сирасига «Астра фарм» хусусий фирмаси ҳам киради. Ушбу фирма раҳбарияти ўтган йили 126 минг долларлик чет эл технологиясини олиб келиб, зарур дори-дармонлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Келгусида мана шундай зарур маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва самарали ишлаётган тадбиркорлик тузилмаларини кўпайтириш режамиз бор.

«НУРОБОД»
хусусий фирмаси
электр двигателларни таъмирлаш бўйича ўзининг кафолатли хизматини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Буюртмалар тез ва соз бажарилади.
Мурожаат учун манзил: Янгийўл тумани, Халқобод, Нуробод қўрғони (3-ГЭС). Мўлжал: Янгийўл – Халқобод автомобиль йўли, Бўзсув кўпригига етмай. Телефон: (8-260) 52-833.

ХУСУСИЙ БЎЛГАЧ, ИШ ЮРИШДИ

Эшик, ром, бошқа турдаги дурадгорлик буюмлари, ўнлаб темир-бетон конструкциялари ортилган автоуловлар бу тадбиркорлик тузилмаси дарвозасидан деярли ҳар куни чиқиб, турли манзилларга йўл олади. Қибрай туманида жойлашган бу хусусий қурилиш ашёлари корхонаси шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Уларга талаб эса муттасил ошиб бормоқда.

Тумандаги барча корхона, хўжаликлар, фуқаролар бинокорлик буюмларининг кўпчилик турини шу ердан олмоқдалар. Бу харидорлар учун қулай бўлмоқда, ортиқча оворагарчиликдан, уларни қидириб, узоқ жойларга боришдан халос бўлишяпти.

Корхона бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитларида анча оқсаб қолгач тадбиркор Болтабой Умаров уни хусусийлаштириб олиш ва ишларини юриштириб юбориш истаги билан чиққанида ишбилармонни мутасадди идоралар раҳбарлари қўллаб-қувватлашди, жамоа ҳам уни ёқлаб чиқди. Хўжаликни бошқаришнинг янги тартибига ўтишда муайян қийинчиликларни бартараф этишга ҳам тўғри келди. Лекин, корхона соҳибининг ишчи-хизматчилар билан биргаликда қилган саъй-ҳаракатлари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширган тадбирлари тез орада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари йил сайин кўпайиб борди. Уларнинг нархи ҳам, сифати ҳам харидорларга маъқул бўлмоқда. Шу туфайли буюртмачилар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳозирга келиб тайёрланган маҳсулотлар вилоятимиздаги қатор қишлоқ туманларидаги мижозларга етказиб бериляпти.

Жамоа ҳар йили белгиланган режаларни анча ортиғибилан уддалаётганлигининг асосий омиллари ҳам шундадир. Ўтган хўжалик йилидаги иш якунлари бунга ёрқин далил бўла олади. 39 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган тадбиркорлик тузилмасида жами 42 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашди. Бу йил бошида тузилган режадаги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Самарали меҳнат мўмай фойда олиш имконини бераяпти. Ўтган йилда у 4,5 миллион сўмни ташкил этди.

— Жамоамиз жорий йилда янада юксакроқ меҳнат марраларини эгаллашни мўлжалламоқда, — дейди корхона раҳбари Б.Умаров. — Бунда тушган буюртмаларни ҳисобга олдик. Ҳозиргача у 60 миллион сўмликка яқинлашиб қолди. Шунинг учун ками билан шунча ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқармоқчимиз. Бу пухта ҳисоб-китобларга асосланган. Йилнинг ўтган биринчи чорагидаёқ буюртмачиларга 15 миллион сўмликдан ортиқ дурадгорлик ва темир-бетон буюмлари етказиб берилди.

Жамоа кўрилаётган фойданинг асосий қисмини ишчилар меҳнат шароитларини яхшилаш, ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга сарфламоқда. Уларнинг маошлари тўхтовсиз ошириб бориляпти. Ҳозирги вақтда у ўрта ҳисоб билан 25 минг сўмни ташкил этиб турибди. Ишчи-хизматчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари ҳам жорий қилинган. Жумладан, сув, газ, бошқа коммунал хизмат турлари учун тўлайдиган ҳақларини корхона кўтармоқда. Наврўз арафасида корхонада ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган 12 нафар пенсионерларнинг ҳар бирига иккита ойлик миқдорида пул, совға-саломлар берилди.

Шу билан бирга турли хайрия, мурувват тадбирларига ҳам маблағ ажратилмоқда. Чунончи, баҳор айёми Наврўз муносабати билан ўтказилган марафонга 300 минг сўм ажратилди. Хайрия жамғармасига 50 минг сўм берилди. Пенсия жамғармаси жамоадан шунча миқдорда пул олди. Туманда спортни ривожлантиришга 200 минг сўм тухфа қилинди.

Жамоа тумандаги 1-мактабга кўп йиллардан бери оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Уни биносини таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ёнидан тўлаяпти. Ўтган йили мактабда амалга оширилган шундай ишларга 680 минг сўмлик маблағ билан қарашиб юборилди. Бу йил эса, ёрдам ҳажми янада ортади. Камида 800 минг сўм сарфлаш назарда тутилаяпти. Куни кеча тумандаги фахрийлар дам олиш масканини таъмирлаш ишларини олиб боришга 50 минг сўм ажратилди.

Бу табдиркорлик тузилмаси жамоаси туман иқтисодиётидаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлидаги меҳнат фаолияти янада салмоқли бўлишига астойдил интиляпти.

СУРАТДА: корхона цехида.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Мирсобир Мирҳамидов, Акбар Алламуродов ва Даврон Аҳмедов(сурат)лар тайёрлашди.

Қонун ва ижро

ЮЗАКИЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқарувнинг барча йўналишлари ва бўғинларида давлат ва ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари фикримизнинг далилидир. Асосий қонунимизда эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниши белгилаб қўйилган.

Тошкент вилоятининг прокурори, 3-даражали адлия маслаҳатчиси Фахри Раҳимов билан мухбиримизнинг суҳбати ана шу қонунларнинг тўлиқ ижро этилишини таъминлашга бағишланди.

– Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилаётган даврда бу ниҳоятда муҳим масаладир, – деди суҳбатдошимиз. – Зеро, мустақиллигимизни, ижтимоий ва миллий давлат тузумимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар ва бозор иқтисодиёти муносабатлари тўғри шаклланишининг муваффақияти, мулкчиликнинг барча турлари равнақ топиши, аҳолининг истеъмол, инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ижро ва меҳнат интизоми ҳамда ижтимоий адолатнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш қонунларимиз, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қай тарзда бажарилаётганлигига боғлиқ.

– Айни шу борадаги аҳволни таҳлил қилиб бермсангиз.

– Ҳаётимизда, кундалик турмушимизда туб ўзгаришлар бўлаётгани кўриниб турибди, лекин айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланмоқда. Қонун ва қарорларни ижро этувчи маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла қўмиталари, корхоналар ва хўжалик раҳбарларининг муайян қисми орасидаги ҳуқуқий саводсизлик, бефарқлик ҳамон кучли. Қонунларни менсимаслик, белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларни эласламаслик, ўзбилармонлик ва масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этишдаги юзакичилик ҳам ташвишланарли. Қонун талабларини бажаришда манфаатдор идораларнинг ҳамкорлиги етарли эмас, айрим шаҳар ва туман ҳокимлари эса бу ишни ҳамиша ҳам аниқ мувофиқлаштириб, изчил йўналтира олмаяптилар.

Мисолларга мурожаат этайлик. Прокуратура идораларимиз ўтган йили жойларда қабул қилинган ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 1926та раддия келтириб, 5785та огоҳнома беришди. 2579 масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Маъмурий жавобгарликка тортилганлар 3957 кишига етди. 2262 киши моддий жавобгарликка тортилди. Ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар юзасидан 353та жиноят ишлари қўзғатилди. Ноқонуний ҳужжатлар қабул қилиш оқибатида давлатга, корхона ва ташкилотларга, тадбиркорлик таркибларидаги ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга кўп миқдорда моддий зарар етмоқда. Бундай ҳолатлар Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бекобод, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Янгийўл туманлари ҳокимликлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятида кўплаб юз бераётир. Қонунбузарликлардан эса, табиийки, кўпгина фуқароларимиз азият чекмоқда.

– Қонунларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаётганлиги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режа ва дастурларининг бажарилишига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлиги аниқ. Бу ҳусусда нима дея оласиз?

– Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан айрим ҳолларда ноқонуний қарорлар қабул қилиниши, фармойишлар чиқарилиши, йўл-йўриқлар берилиши, тегишли қарорлар етарлича ишчанлик билан бажарилмаслиги халқ хўжалигининг ривожига тўғаноқ бўлаётганлиги табиий, албатта. Ўтган йили шу туфайли 52 корхона ўсиш суръатини пасайтириб, 6,3 миллиард сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарди.

Олмаликдаги ўнта корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб кетди. Ангрен, Оҳангарон, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Қуйичирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларида ҳам бундай корхоналар оз эмас. Вилоятимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган энг зарур 67 турдаги маҳсулотлардан 13таси бўйича ишлаб чиқариш ҳажмлари камайди.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида шартномаларни, шунингдек, контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига киритилган. Хўш, улар маҳсулот ҳажми камайишининг олдини олиш борасида қандай амалий чора-тадбирлар кўрмоқдалар? Хўжалик йили якунларини таҳлил қилиш жараёнида юқорида санаб ўтилган шаҳар ва туман ҳокимликлари бу саволга бирор баъмани жавоб бера олишмади.

– Таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар, ариза ва шикоятларда қишлоқларда ерларни талон-тарож қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этишда суст-кашлик ҳолларига доир мисоллар кўп. Ахир, бу борада етарли қонунлар, қарорлар қабул қилинган-ку?

– Бу ўринда ҳам гап яна маҳаллий идоралар масъул ходимларининг ўзибўларчилигига бориб тақалади. Кейинги йилларда хўжаликларда ерлардан самарали фойдаланмаслик, агротехника қоидаларига риоя этмаслик фактлари кўпайди. Натижада шоли, каноп, картошка, мева ва узум етиштириш камайяпти. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг масъул ходимлари, мутахассислари бу ҳолатни таҳлил этиш, фойдали тавсиялар бериш ўрнига майда-чуйда жорий топшириқларини бажариш билан овора қилиб қўйилмоқда.

Натижада хўжаликларда қонун бузилишлари кўпаймоқда. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, ширкат хўжаликларининг бир қатор ноқонуний ҳужжатларига раддия берилди, турли кўринишдаги қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича 50та тақдимнома киритилди. Албатта, қонун бузилишида айбдор ходимлар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги қонун бузилишлари юзасидан олтита жиноят иши қўзғатилди.

Биргина мисолдан бу ишларнинг хусусиятини англаш мумкин. Пскент туманидаги Х. Қодиров номли ширкат хўжалигида 78,1 гектар суғориладиган экин майдони талон-тарож қилинганлиги аниқланиб, қўзғатилган жиноят ишига кўра раис Х. Мирзатиллаев суд ҳукми билан айбдор деб топилди.

Шу хўжаликда фермер хўжалиги юритиш учун 21 фуқарога ер ажратиш ҳам пайсалга солинган. Фақат прокуратура идораларининг аралашувидан кейингина уларга 170 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Ёки Янгийўл туман ҳокимининг бир қонунсиз қарорини олиб кўрайлик. 2001 йилнинг 23 апрелида имзоланган 398-қарорга биноан 21 фермер хўжалигининг экин майдонлари қайтариб олинган. Бу ноқонуний ҳатти-ҳаракат фақат прокурор раддияси асосида бекор қилинди. Ер майдонлари ҳақиқий эгаларига қайтариб берилди.

– Солиқ идоралари фаолиятида ҳам қонунбузарлик фактлари учраб турибди. Натижада тадбиркорлик ҳаракатига путур етмоқда. Табиийки, бундан нафақат ишбилармонлар, балки давлат ҳам зарар кўряпти.

– Тўғри. Вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият берилмаяпти. Жумладан, солиқ идоралари томонидан тадбиркорларга ноқонуний иқтисодий жарималар қўллаш, уларни асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ангрен, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бекобод, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Қибрай туманлари солиқ нозирликлари фаолиятида бундай қонунбузарликлар кўп содир этиляпти. Албатта, ҳар бир ҳолат чуқур ўрганилиб, адолат ва қонунчилик қарор топтирилмоқда. Лекин бундай нуқсонларга йўл қўймасликнинг ўзи афзал эмасми?

– Яна бир муҳим жиҳат борки, у тадбиркорлик ҳаракатига ёрдам бериши лозим бўлган ташкилотларнинг бу вазифага лоқайдлик билан қарашлари, тадбиркорлар ишига тўғаноқ бўлиш ҳоллари камаймаяпти. Мен бу ўринда тадбиркорлик субъектларига кредит берилиши, банк ва бошқа назорат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларини, ҳудабеҳуда текширувларни назарда тутаяпман.

– Дарҳақиқат, масалан, вилоятимиздаги ҳамма турдаги банк муассасалари томонидан кредитлар бериш етарли даражада деб бўлмайди. Бугунги кунга келиб, жами 1 миллиард 198 миллион сўм кредит берилган, холос. Фермер хўжаликлари эса, умуман кредит олишга қийналадилар. Юқоричирчиқ туманида эса тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш яхши йўлга қўйилмаган. Айрим ҳолларда ажратилган кредит маблағларининг миқдори шу даражада камки, у на моддий базани яратишга, на технологияни янгилаш ёки машина-ускуналар олишга етади.

Иккинчи масала ҳам ғоятда жиддий. Чиндан ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига хилоф равишда текширишлар ўтказилишига ҳамон йўл қўйиляпти. «Савдогарбанк»нинг Бўка ва Тошкент туман бўлимлари, вилоятнинг баъзи идоралари текширувларни мувофиқлаштиришга эътибор бермаяптилар.

Кўпинча тадбиркорлар банкда ҳисоб рақамини очиш ва кредит олиш учун сарсон бўлиб қолмоқдалар. Бекобод туман прокуратураси Ойбек номли ширкат хўжалигида яшовчи М.Умарованинг шу хусусдаги аризасини кўриб чиқди. Фақат прокуратура аралашувидан кейингина масала ижобий ҳал этилди. Банк муассасасида деҳқон хўжалиги ҳисоб рақами ҳам очилди, зотли қорамол сотиб олиш учун унга бир миллион сўм имтиёзли кредит ҳам берилди.

Тадбиркорлик ҳаракатига нисбатан маҳаллий маъмурларнинг ноқонуний қарорлари ва ҳаракатлари миқёсини кўрсатувчи мисоллар оз эмас. Шуни айтиш кифояки, прокуратура текширувларидан кейин ноқонуний қарорларга 41та раддия берилди, 31та тақдимнома киритилиб, 61 та масъул мансабдор шахс қонун талабларини бузмаслик хусусида расман огоҳлантирилди, 75 ходим маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. Шу борада қонун бузилишига йўл қўйилган бир ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

— Киши иш жойида унумли, виждонан меҳнат қилишига ҳалақит берувчи сабаблар кўп. Иш ҳақини қонунда ва жамоа шартномаларида белгиланган тартибда бермаслик ҳам меҳнат жамоасидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатади, албатта. Фахри Ҳайдарович, бу соҳада қонун таъсирини кучайтириш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Иш ҳақини вақтида тўламаслик фуқаронинг меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини поймол этишдан бошқа нарса эмас. Масалага қонун нуқтаи назаридан қарасак, жойларда бу борада қўпол хатоликлар, нуқсонлар мавжудлигини кўрамиз. Шу йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, корхона ва ташкилотлар ишловчилардан иш ҳақи бўйича 1 миллиард 35 миллион сўм қарз бўлиб қолган. Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларининг корхона ва ташкилотларида иш ҳақидан энг кўп қарздорликка йўл қўйилган. Қибрай туманида ишловчилардан қарзлар — 114 миллион сўмни, Янгийўл туманида — 61 миллион, Юқоричирчиқ туманида — 32 миллион сўмни ташкил этади.

Прокуратура органлари январь ойида «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахтакор хўжаликларда текшириш ўтказиб, 80га яқин корхона ва хўжаликларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётганлигини аниқлашди. 178 мансабдор шахс интизомий, маъмурий, моддий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда икки характерли ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу кунларда Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалигида якунланган текшириш натижаларига кўра, ширкатнинг 397 аъзосига сўнгги тўрт ойлик иш ҳақи тўланмаган, 3 миллион 950 минг сўм қарз бўлиб қолинган. Прокуратуранинг аралашувидан кейин қисқа муддат ичида унинг 2 миллион сўми қопланган. Ва яна: шу тумандаги «Маданият» ширкат хўжалигида 2001 йилнинг июнь ойидан токи шу кунларгача 11 миллион 744 минг сўм иш ҳақи берилмаган.

Ходимларимиз масаланинг ечилиши жараёнига аралашгач, хўжалик аъзоларига дарҳол 11 миллион сўмдан зиёд иш ҳақи тўланди. Савол туғилади: нега бу масала туман ҳокимлиги ва қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан ўз вақтида ҳал қилинмади? Нима, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларга тааллуқли эмасми? Ахир, бу уларнинг бевосита вазифалари-ку?

Қонунчиликка оғишмай риоя қилинган жойларда фуқаролар ўз касб-кор ва ижодий салоҳиятларини тўла намоён эта оладилар. Чунки, фақат шундай шароитда меҳнат ҳуқуқи, одамларнинг бошқа эркинликлари ва манфаатлари мукаммал ҳимояланади. Мана шундай ҳимояланганликка тўла ишонч айни ташаббускорлик намоён бўлиши учун асосдир. Ўзбекистон Олий Мажлисининг сессиясида Президентимиз Ислом Каримов маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш халқ хўжалиги ривожи, барча мулкчилик шакллари уйғун ўсишига пухта асос яратишини алоҳида таъкидладилар. Бу ҳар бир раҳбар ходим учун дастуриламал бўлиб қолиши керак.

Суҳбатдош: Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил этилган сана – 7 апрель ҳар йили дунё миқёсида саломатлик куни сифатида нишонланади. Бу йил ушбу кун "Жисмоний фаоллик – саломатлик гарови" шиори остида ўтказилди.

Шу муносабат билан пойтахтимизда талабалар марафони бўлиб ўтди. Уни "Экосан" халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда "Экосан" халқаро жамғармаси раиси Ю. Шодиметов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари В.Вербицкий ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодни соғлом вояга етказишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлашди.

Марафонда минглаб йигит-қизлар иштирок этди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Тошкентда республика "Устоз" жамғармаси ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан ташкил этилган агросаноат тармоғида ахборот технологияларидан фойдаланиш ва АҚШнинг ушбу соҳадаги таълим тизими тажрибасини ўрганиш мавзуидаги халқаро семинар бўлиб ўтди.

Унда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ўқитувчилари, республикамиз амалиётчи мутахассислари, шунингдек, Американинг Мериленд университетининг қатор етакчи профессорлари иштирок этди.

Бугунги кунда ахборотга эга бўлиш бизнесда муваффақиятга эришишнинг асосий омилига айланди. Шу боис маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун барча соҳаларга, шу жумладан агросаноат мажмуига янги ахборот технологияларини жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса ЮНЕСКО, "Ўзбекистон Очиқ жамият институти" Кўмак жамғармаси грантларидан фойдаланилиб, кўплаб халқаро таълим ташкилотлари ва чет эл университетлари билан ҳамкорлик ривожланмоқда.

Хусусан, Мериленд университети мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари, биринчи галда, фермерлар учун маслаҳат хизматларини ташкил этишда кўмаклашмоқда. Бугунги кунда хўжаликни замонавий маҳаллий ва хорижий технологиялар асосида юритиш учун фермерларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам берувчи бешта ана шундай хизмат очилган. Ушбу лойиҳа ҳудудий ҳокимият органлари ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, республикамизнинг учта – Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги таълим муассасалари билан ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда.

Семинар иштирокчилари АҚШда қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлашда фойдаланиладиган масофавий ўқитиш тизими билан танишди. Тадбирда ушбу соҳада Ўзбекистоннинг ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни ривожлантириш йўллари белгилаб олинди.

Кўргазма

ТАСВИРЛАРДА КЎКЛАМ ЖАМОЛИ

Шу кунларда Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган 200дан зиёд асар томошабинларга олам-олам завқ улашиб, унутилмас таассуротлар уйғотмоқда.

Ижодкорлар томонидан яратилган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, заргарлик, миниатюра, нақкошлик ва бошқа бир қанча тасвирий санъат соҳаларига ҳамда плакатга оид сара ижод намуналарининг аксарияти Наврўзга бағишланган. Улар қаторидан академик рассомлар — Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Бахтиёр Бобоев, Жавлон Умарбеков, Акмал Нур, Ғофир Абдурахмонов, Абдуманнон Юнусов, Муҳаммад Нуриддинов каби мўйқалам усталарининг асарлари муносиб ўрин олган.

Айниқса, Анвар Мирсоатов, Акмал Жамолов ижод этган бир туркум эпик, кенг қамровли манзаралар, Муҳаммад Нуриддинов ишлаган натюрморт, Жавлон Умарбеков, Ортиқали Қозоқов ҳамда Нодира Орипованинг ўзига хос ноёб ижодий услубда яратилган композициялари, Азамат Ҳотамовнинг ҳайкалтарошликка оид бир қанча пластик ишлари томошабинлар эътиборини қозонмоқда, қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада кўп сонли ёш, умидли, изланувчан мусаввирлар, халқ амалий безакчилик санъати усталари сайқал берган ҳунармандчилик намуналарига ҳам кенг ўрин ажратилган.

Баҳром ТОЖИЕВ, санъатшунос.

Луқма

ЯНГИЙЎЛМИ ЁКИ ЭСКИ ЙЎЛ?

Текис, равон кўчаларда автомобилда ёки пиёда юрсангиз, ўзингизни худди ҳавода учиб бораётгандек ҳис этасиз. Аммо Янгийўл шаҳрининг Самарқанд шоҳкўчасидан ўтиб қолган киши бу ҳислардан бебаҳра қолиши аниқ.

Сиз ҳам бу кўчага кириб қолсангиз, эҳтиётроқ бўлиб юринг, шаҳар ҳуснига доғ бўлиб турган мана бу ўнқир-чўнқир йўлда автомобилингизнинг у ер-бу ери пачоқ бўлиши ёки оёғингиз тойиб кетиб, лат ейиши ҳеч гап эмас.

Янгийўллик ҳайдовчилар:

— Мен автомобилни ана шу чуқурларга туширмай бошқарганим учун ҳайдовчилик гувоҳномасини олганман, — дея бир-бирлари билан ҳазиллашадилар.

Албатта, бу ҳазиломуз киноядa Янгийўл шаҳрининг биргина Самарқанд шоҳкўчаси назарда тутилмаган бўлса керак. Марказий кўчанинг аҳволи шу бўлгандан сўнг, шаҳарнинг бошқа йўлларини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Аслини олгандаку бу кўча ҳар йили таъмирланади. Аммо, янгийўллик йўлсозлар ҳам «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутадилар, чоғи. Таъмирланадиган жойнинг маълум катталикдаги қисми олиб ташланиб, ундан сўнг эски асфальту янги қоришма бир-бири балан бирикиб кетадиган даражада текисланиши шарт. Улар эса, ўйилган ернинг ўзига асфальт солиб номига текислаб кетишади. Натижада, бир йилга етар етмай, «эски ҳаммом, эски тос», ямалган жой яна ўз ҳолига қайтади.

Наҳотки, бу ҳолатга ҳеч ким эътибор бермаса? Ҳар йили қилинаверадиган таъмир учун кетадиган маблағлар ҳам сувдек оқиб келмагандир?

Даврон АҲМАД олган фото суратлар.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

➤ Жанубий Африка Республикасида қонуний ҳокимиятни ағдариб, ирқчилик ғояларини қўллаб-қувватловчи ҳукумат тузиш йўлида ҳаракат қилаётган гуруҳ фош этилди. ЖАР полицияси вакили Рони Наидунинг маълум қилишича, ушбу гуруҳнинг уч вакили ҳибсга олинган.

➤ Алматида иккинчи Евроосиё иқтисодий саммити бошланди. Анжуман қатнашчилари бир неча кун мобайнида минтақамиздаги жўғрофий-сиёсий вазиятни муҳокама этади. Шунингдек, иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлаётган бож тўловлари, солиқ олишда йўл қўйилаётган порахўрлик каби иллатларга қарши курашни кучайтириш масалалари кўриб чиқилади.

➤ Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр АҚШнинг Ироққа қарши ҳарбий операциясини қўллаб-қувватлаши мумкинлигини айтди. Ироқ БМТ мутахассисларини ўз ҳудудига киритиши лозим, деди у. Унинг таъкидлашича, агар халқаро ҳамжамият хоҳласа, БМТ мутахассислари истаган вақтда Ироққа кириши ва истаган жойини текшириши мумкин.

➤ АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. Куни кеча у Марокашга ташриф буюрди. Кейин давлат котиби Миср, Иордания ва Исроилга боради. Сафардан кўзланаётган мақсад Яқин Шарқда юзага келган вазиятни юмшатиш чораларини топиш борасида мазкур давлатлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказишдир.

➤ Хитой раҳбари Цзян Цзэмин АҚШни Ироққа қарши ҳарбий операциядан тийилиб туришга чақирди. У хориж сафари олдидан Германияда чоп этиладиган "Шпигел" журналига интервью бериб, Оқ уйнинг Ироққа қарши ҳарбий чора қўллашига асос етарли эмаслигини айтди.

Цзян Цзэмин Германия, Ливия, Нигерия, Тунис ва Эронга боришни режалаштирган.

➤ Колумбиянинг Вилявисенсио шаҳрида портлаш юз берди. Ушбу террорчилик оқибатида ўн икки киши ҳалок бўлди, етмишдан ортиқ одам жароҳатланди. Ҳозирча мамлакатдаги бирор террорчи гуруҳ ушбу хунрезлик учун жавобгарликни ўз зиммасига олгани йўқ.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни **2002 йил 15, 22 ва 29 май кунлари соат 10.00да** ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Олмалиқ шаҳар Регистон кўчасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 8 та ер майдони.
   Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 36 800 сўм.
2. Олмалиқ шаҳар Гайдар кўчасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 3 та ер майдони.
   Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 39 000 сўм.
3. Оққўрғон тумани «Султонобод» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 15 та ер майдони.
   Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34 800 сўм.

Эслатма: ер майдонларига аризалар қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Ибратнома

ЭРНИ ЭР ҚИЛАДИГАН ҲАМ ХОТИН

Бир маҳаллада Аҳмад ва Самад деган ака-ука яшашар экан. Сиртдан қараганда Самад акасидан кексароқ кўринар, доим нимадандир сиқилиб юраркан. Бир куни маҳалладошлари нега ака-укалар ўртасида бунчалик фарқ борлиги хусусида тортишиб қолишибди. Биров у дебди, биров бу дебди, охири уларнинг уйига бориб, сабабини билмоқчи бўлишибди. Маҳалладан уч-тўрт вакил олдин Самаднинг хонадонига борибди.

Самад меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олибди, дарров кўрпача солиб, дастурхон ёзибди, бироқ хотининнинг қовоғидан қор ёғилиб, «қарс» этиб, эшикни ёпиб ичкари уйга кириб кетибди.

– Хотин, азиз меҳмонлар келишди ахир, дарров бирон нарсага уннаб юбор, – дебди Самад орқасидан кириб.

– Уйда гўшт йўқ, – дебди хотини меҳмонлар эшитсин учун атай шанғиллаб.

– Сеқинроқ, гўштсиз бўлса ҳам майли, – дебди меҳмонларнинг олдида изза бўлган Самад.

– Ун ҳам қолмаган, – дебди хотини баттар қўрслик билан.

– Ҳеч бўлмаса, уйимизда иккита нон билан бир чойнак чой топилар, – дебди Самад хуноби ошиб.

– Нонннинг охирини эрталаб болалар еб кетишган, – дебди хотини безрайиб.

Самад нима дейишини билмай бошини хам қилибди. Аслида уйида ҳамма нарса бор, рўзғори ҳамиша бут, бадастур экан.

– Келинни хижолат қилманг, ўзингиз ҳам азият чекманг, Самаджон. Биз шунчаки сизни кўриб, суҳбатлашиб ўтиргани кирган эдик, – дейишибди меҳмонлар ва гурра кўзғолишибди. – Энди бизга рухсат, зарур ишларимиз бор эди.

Самад уларнинг юзига қаролмай, эзилиб кузатибди. Меҳмонлар бу ердан чиқиб, тўғри Аҳмаднинг уйига кириб боришибди. Ҳовлида иш қилаётган эрхотин дарров уларнинг истиқболига пешвоз чиқишибди. Хотини елиб-югуриб, меҳмонларга кўрпача тўшабди, дастурхон ёзибди. Аҳмад қумғон осаётган хотинига қараб:

– Хотин, меҳмонларнинг олдига қўйгудек бирон нарсанг бўлса опчиқақол, – дебди.

– Вой, албатта бор-да, – дея ошхонага йўл олибди хотини. – Ҳамма нарса бор. Меҳмонлар йўлдан чанқаб келишгандир, тафт босди қилиб олдин тарвуз сўя қолайлик.

– Жуда яхши-да! Тузукроғидан бирини танлаб чиқақол! – дебди Аҳмад. Хотини:

– Хўп бўлади, – деганча ошхонадан битта тарвуз кўтариб чиқибди.

– Бошқа дурустроғи йўқми? – дебди Аҳмад кесак ботиб, қийшайиб битган тарвузга қараб. – Буни обкириб кўй, ҳали болалар еворишар.

Хотини изига қайтибди-ю, зум ўтмай худди шу тарвузнинг ўзини кўтариб чиқибди-да, бошқа томонини кўрсатиб сўрабди:

– Манавинисини кўрингчи?

– Ҳа, буниси тузук, – дебди Аҳмад сир бой бермай. – Пичоқ келтир.

Тарвуз анордек қипқизил, ширин чиқибди. Меҳмонлар тарвуздан бир-икки карчдан олиб, узоқ суҳбатлашиб ўтиришибди, ҳаммаларининг бахри-дили очилибди.

Ваҳоланки, шу куни Аҳмаднинг уйида меҳмонларнинг олдига қўйгулик шу биргина тарвуздан бўлак ҳеч нарсаси йўқ экан.

– Ҳаммаси аён бўлди, – дейишибди маҳалла вакиллари қайтиб чиқишгач. – Самадни қаритган, борини ҳам йўқ қилиб кўрсатадиган бахил хотини экан, Аҳмадни ёшартирган эса, йўқни бор қиладиган, қўли ҳам, кўнгли ҳам очиқ ширин сўз хотини...

Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деган ҳикматли гап ўшандан қолган экан.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

ЮҚОРИЧИРЧИҚДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Янгибозор маданият уйида туман ҳокимлиги, маданият ишлари бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Бу тадбирда тумандаги «Умид» гуруҳи хонандаси Умиджон Ҳакимовнинг «Ўзбекистон» қўшиғи мутлақ ғолиб деб топилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Ҳамкорлик

ЁШЛАР ВАҚТИ БЕКОР ЎТМАСИН

Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мамлакатимизнинг барча вилоятларида бешиксозлик, дўппидўзлик, косибчилик, темирчилик, ганч ўймакорлиги, кулолчилик каби касблар билан шуғулланувчи усталар билан ҳамкорликда янги тўгараклар ташкил этмоқда.

– Миллий ҳунармандчилигимизни янада ривожлантириш, ота-боболаримиздан мерос қолган касбларни ёш авлодга ўргатиш мақсадида ташкил этилаётган ушбу тўгаракларга ўқувчи-ёшлар ўртасида қизиқиш тобора ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир, – деди марказ директори Толиб Қорабоев. – Тўгаракларда ўқувчи ёшлар назарий ва амалий билим олишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Эндиликда олис қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшлар касб ўрганиш учун туман ва шаҳар марказига қатнамайдиган бўлдилар. Тўгараклар иложи борича турар жойларда, мактабларда ташкил этиляпти. Бундан ташқари марказимизда фаолият кўрсатаётган «Сиртқи клуб» чекка вилоятлардаги болаларни ҳам техник ижодкорлик сирларидан бохабар этмоқда.

Ҳозирда республика ўқувчилар техник ижодиёти марказида хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Лотин алифбоси, компьютер технологияси бўйича тўгараклар ўқувчилар билан доимо гавжум. Шунингдек, яқинда ташкил этилган «Ҳамшира» тўгарагидан ота-оналар беҳад миннатдорлар.

«Туркистон-пресс».

Тошлар тилга кирганда

СИРЛИ ГАВҲАР

Тарихий қисса

Антиқа олмосни кўрган Людовикнинг кўзлари чақнаб кетди. Тошнинг таърифини эшитгач, нима бўлганда ҳам, уни қўлга киритиб, суюкли жонони — ёш графиня Анжеликага совға қилиш фикрига тушди. Айёр Таверенье бўлса, Ҳиндистондан келтирилган бу ёдгорликни сотмаслигини қатъий айтиб, оёғини тираб олди. Бир соатга чўзилган тортишувдан кейин «Хавф» жавоҳири эвазига қирол Таверенеьега граф унвонини берадиган, сайёҳнинг сафари учун қилган барча харажатларини хазина ҳисобидан қоплайдиган бўлди.

Жавоҳирни қўлга киритган қирол тонггача киприк қоқмай чиқди. Мўътабар шоҳларнинг қўли теккан бу табаррук тошни Анжеликага беришдан айнади. Эрталаб саройга чақирилган заргар Пито қиролдан махсус топшириқ олди. Тош устига ўйилган «Ҳиммат» сўзини ўчириш керак эди. Вазни 115 каратли бу олмосни заргар Пито икки йил тарашлаб ёзувни зўрға йўқотди. Гўзаллигига зиён етган олмосни уч бурчакли қубба шаклига келтирди. Олмоснинг вазни 68 каратга тушиб қолди. Шунга қарамай «Хавф» нафис ва жилвагар эди.

Олмосни саройга олиб келган Пито, уни шу куниёқ қирол тожига ўрнатиб берди. Орадан қирқ кун ўтгач, қарилигига қарамай ҳали анча тетик бўлган Людовик XIV тўсатдан оламдан ўтди. Франция қиролининг бундай тез ва кутилмаганда ўлгани устида бош қотирган сарой табибларию, қирол ромчилари, мамлакат олимларию экстрасенслар бунинг сабабчиси тожга тақилган «Хавф» олмоси деган қарорга келишди. Уларнинг фикрича, учбурчак қубба шаклига келтирилган бу олмос ажал тарқатувчи кучли манбага айланган.

Барча экстрасенслару баҳоратчиларнинг фикрига хурофот иллати деб қарашга одатланган қирол Людовик XV бўлса, бу олмосни тождан олиб, ўзининг Олтин Руно орденининг ўртасига ўрнатди. Олтин Руно фақат тантаналардагина тақиладиган бўлиб, олимларнинг фикрича, айнан шу сабабдан олмос қуббасининг бу қиролга таъсири астасекин амалга ошган. Шунга қарамай, Людовик XV ҳам узоққа бормай, чечакдан азобланиб ўлди. Франция қиролларининг бу ажойиб олмосга бўлган иштиёқлари пасайди. Қироллар энди бу олмосни ўз ўйнашларининг кўкракларида кўриш завқи билан чегараланиб қўяқолдилар. Аммо, қироллар адашдилар. Олмос аёлларга ҳам шафқат қилмади. Қиролларга суюкли бўлган енгилтак графиня Дюбарри ҳам, дилдор княгиня Ламбель ҳам балога гирифтор бўлдилар: кўзига қон тўлган оломон княгиняни тилка-пора қилиб ташлади. Графинянинг бошини кундада жаллод олди.

... Орадан ўттиз йил вақт ўтиб, навқирон Людовик XVI Франция тахтига ўтирди. Хазинани томоша қилаётганда, «Хавф» олмосини кўриб қолди. Уни ёқтириб, ўз тожига ўрнатади. Бу 1792 йилнинг 1 июлида бўлганди. Кун одатдагидек тинч ва осойишта ўтди. Аммо эртасига тўсатдан халқ қўзғолони бошланиб кетди. Орадан қирқ кун ўтгандан кейин эса, яъни 10 августда қирол тахтидан воз кечишга мажбур бўлди. Тождан ажралаётган қирол олмосдан ажралгиси келмади. Уни хотини, Австрия императорининг қизи бўлган Мария Антуанеттага совға қилди. Бу нафис олмосни тақиб олган қиролича фақат икки кунгина қувонди. Учинчи куни қироличани ҳам, қиролни ҳам қамоққа олишди. Конвент томонидан суд қилиниб, иккови ҳам, жаллод қўлида қатл қилинди. Қатлдан кейин олмоснинг ҳам номи ўчди.

КОТИЛ

Даҳлизда ўзини офтобда тоблаб ётган Бенжамин Шимолий денгизнинг Роттердам портида лангар ташлаб турган чет эл кемаларига қараб, бир хўрсинди. Чунки, бу кемаларнинг ихтиёри ўзларида, қайга истаса шу томонга қараб сузади, юк бўлса бас. Улар яқин атрофдаги шимол мамлакатлари орасидагина қатнасалар-да, ҳарқалай денгиз кезишади. Бенжаминдек кўрфаз қирғоғида ётмайдилар. Ҳасис отаси озгина пул берса эди, у бирор кемага ёлланиб, сирли Ҳиндистон ва қадимий Хитой томонларга саёҳатга чиққан бўлар эди...

Турли давлатлар байроқлари илинган кемалар қаторига ҳавас билан қараб ётган Бенжамин, кеча лангар ташлаган инглиз кемасидан бир жаноб тушганига беихтиёр назар ташлади. Башанг кийинган бу инглизга ёшгина аёл ҳамроҳлик қилар эди. Улар Роттердамнинг қирғоқ бўйлаб чўзилиб кетган шоҳ кўчасига эмас, Бенжаминларнинг икки қаватли уйига қараб бурилишганини кўриб, диққат билан кузата бошлади.

Ёшлигида Парижда яшаб, савдогарлик ва заргарлик билан шуғулланган Фалос ўз она юртига келганига ўн беш йил бўлган, Роттердамдан бир қадам ҳам силжимай, ҳеч кимга аралашмай, тирикчилик ўтказар эди. Пулга муҳтож бўлиб қолганида, бир вақтлари орттирган майда-чуйда заргарлик буюмларини сотиб, қийналмай ҳаёт ўтказар эди. Шунинг учун унинг уйига маҳаллий голланд ва нидерланд савдогарларидан бўлак зот келмасди. Чет элликларни яқиндан кўрмаган Бенжамин, ўз уйига яқинлашиб келаётган инглизларга анграйиб қолди. Афтидан, Бенжаминнинг отаси Фалос, инглизларнинг келишини олдиндан билган — ясаниб-тусаниб, меҳмонларни қарши олди. Кўйлакчан бўлиб ўтирган Бенжамин, меҳмонларнинг ёнига туша олмай, уларнинг суҳбатини болохонадан тингларди.

Ёши йигирма бешларда, тилларанг сочли инглиз қизига маҳлиё бўлиб қолган Бенжамин ундан кўзини узолмади. Ҳатто инглиз жаноб билан отаси ўртасидаги суҳбатни ҳам тўла эшитолмади. Фаҳмлашича, меҳмонлар қандайдир антиқа бриллиантни Фалосдан харид қилиш учун келишганини англади. Отаси ҳарсиллаганича йўрғалаб, ичкари хонадаги махфий сейфидан бир қутича олиб чиқди. Қизни суқланиб томоша қилаётган Бенжаминнинг кўзи қутича ичидаги учбурчак қубба шаклидаги бриллиантга тушди.

— Вой, қари тулки! — деб юборди ҳайратдан Бенжамин. — Менга ҳеч нарсам қолмади деб юрган отам шундоқ бойлик устида ўтирган экан-ку?!

Инглиз билан Фалос узоқ суҳбатлашмади. Фалос, бриллиантни жойига қўйиб, меҳмонларни кузатди. Бенжамин ҳам пастки хонага кириб, зудлик билан кийина бошлади. У ҳозироқ инглиз кемасига бориб, шу жаноб билан гаплашишга ахд қилган эди. Денгиз саёҳатига чиқиш орзусининг ушалишида ҳасис отаси эмас, айнан шу жаноб ёрдам беришига негадир кўзи етди.

— Лорд Камильтон, — деб ўзини таништирди инглиз оқ суяги эшик олдида қаққайиб турган Бенжаминга ҳайрон бўлиб қарар экан. Ундан садо чиқмагач, ёнидаги курсида ўтирган бояги гўзал қизга имо қилиб, — менинг жияним Луиза, — деди.

Ўзини заргар Фалоснинг ўғли эканлигини айтган Бенжамин лўнда қилиб, Шарқ мамлакатларига саёҳатга бориш орзусида яшаётганини, бунга эса, моддий имкони йўқлигини айтиб, шундай мамлакатларга қатновчи инглиз кемаларидан бирига Бенжаминнинг ёлланишига ёрдам беришини Камильтондан ўтиниб сўради. Уни жилмайиб тинглаб турган лорд ҳам, гўзал Луиза ҳам «Браво!» деб кулиб юборишди.

— Менинг саргузашт изловчи дўстим! — деди лорд қадаҳга ром қуйиб Бенжаминга узатар экан. — Мен сизга ёрдам беришга тайёрман, — деди Камильтон ва Бенжаминнинг қадаҳни сипқориб юборганини кўриб, қадаҳга яна ром қуйиб, гапида давом этди. — Аммо кемага оддий матрос қилиб эмас, капитан ёки кеманинг эгаси сифатида жойлаштираман.

Хурсандчилигидан кўзи чақнаб, энтикиб қолган Бенжамин қўлидаги қадаҳини яна бўшатди.

— Отангизда имконият жуда катта! — деди қатъият билан лорд. — Агар отангиз қўлидаги бриллиантни сотса, сизнинг денгиз ортига саёҳатингиз уёкда турсин, ҳатто Луизадек бир гўзал қизга уйланиб, Европа пойтахтларидан бирида умрингизнинг охиригача роҳат қилиб яшай оласиз.

— Ҳозиргина отам билан олмосни савдолашдингиз шекилли? — сўради Бенжамин умидворлик билан.

— Келиша олмадик! — деди Камильтон дил хиралигини яширмай. — Эллик минг фунт стерлинг бераман десам ҳам, отангиз кўнмади. Мен олмосни қирол хонадонига тортиқ қилмоқчи эдим...

— Отангизни кўндиринг, азизим, — деди Луиза Бенжаминнинг қўлига майин кафтини қўйиб.

Олмос билан унинг тақдири чамбарчас боғлиқлигини сезган Бенжаминнинг кўзлари ланг аланганди. Бир дақиқа ўйлаб туриб, Камильтонга ваъда берди:

— Олмос сизники бўлади!

Аъзам АЗИМИЙ, техника фанлари доктори, профессор. (Давоми бор).

Бекажон

Таомингиз тагига олса...

- Пишираётган таомингиз тагига олса, қозонни оловдан олиб сал совутинг. Сўнгра тагига олган қирмочни қолдириб, овқатингизни бошқа қозон ёки идишга солиб пиширишни давом эттиришингиз мумкин.
- Шиша ва металл идишларни ғижимланган қоғоз билан артсангиз, тиниқлашиб, топ-тоза бўлади.
- Бирорта идишга ёғоч қипиғини солиб, ошхонангиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари шкафига қўйиб қўйсангиз, шкафдаги ҳар хил ҳидлар йўқолади.
- Алюминий ва сирланган идишларга ёпишиб қолган доғларни сиркага ботирилган сочиқда артсангиз тоза бўлади.

Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.

Энг, энг, энг!

* Таниқли чанғичи Галина Куликова спорт совринларининг ниҳоятда хилма-хил коллекциясини тўплаган. У тўрт бора Олимпия мусобақаларида қатнашиб, тўрт олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлган. У тўққиз марта жаҳон, 39 марта мамлакат чемпиони эди. Биринчи Жаҳон кубогини қўлга киритган. Унинг коллекциясида жами 56та медал бор.

* Ёзувчи Элис Поллокнинг «Менинг бетакрор ёшлигим чизгилари» асари адиба 102 ёшу 8 ойлик бўлган кези чоп этилган.

* Детектив жанрининг маликаси – Агата Кристи 78та детектив, 6та психологик романлар, 19та пьеса ва 4та ҳужжатли китоб муаллифи. Унинг асарлари 44 тилга таржима қилиниб, бир миллиарддан кўпроқ нусхада чоп этилган.

ВЕНГЕРВОРД

В	Р	И	К	Е	Н	И	Г	А	Ж	Т	А	Н	З	А	Е	С
А	М	К	И	Й	А	Я	Б	М	И	Б	У	Т	И	Н	Л	О
М	А	М	Р	И	Н	Я	И	У	А	С	К	В	Я	И	С	Т
О	Р	А	В	Т	Г	О	Л	А	Б	И	Э	А	Т	А	В	О
К	М	М	М	А	Н	И	Н	Е	Я	Г	Л	А	О	З	Е	Н
А	О	А	А	Д	И	В	И	В	Г	В	Ж	И	Р	И	Л	Д
Ш	З	Л	Г	А	Я	Г	Н	Е	Я	И	А	З	О	И	А	Н
М	А	И	А	Г	Е	Р	И	З	Е	Н	Б	О	Т	Р	Н	А
Б	И	К	С	И	И	Н	Я	И	Я	Е	В	Г	С	В	А	М
З	А	М	К	Н	Г	Е	Р	М	Б	А	Б	А	Б	И	Б	И
А	Л	Р	А	У	Г	А	Н	Д	К	О	Н	О	О	Я	Д	А
М	А	В	И	Р	У	А	Н	А	Р	К	Г	С	Н	С	У	Н
Б	И	Я	Н	Д	И	А	Д	Б	У	И	О	А	П	И	Я	С
Б	У	Р	У	Р	Ч	А	Д	Р	У	Н	А	Ф	О	А	М	О
Л	И	М	И	С	К	А	М	Е	Н	К	Э	Ф	И	Л	И	Г
Т	В	И	Я	Ь	Е	Р	Р	А	Л	А	Б	О	В	Д	Е	А
У	Н	И	С	С	Т	О	Г	О	Е	О	Н	Е	Е	Р	А	Н

Шаклдаги ҳарфларни жой-жойига тўғри қўйиб чиқсангиз, Африка қитъасидаги 42 давлат номлари келиб чиқади.

Акромжон ХЎЖАМОВ.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ* *СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея жамоалари Дэвис кубоги Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳининг иккинчи босқич плэй-офф беллашувларида ўзаро куч синашди.

Мусобақанинг дастлабки куни – 5 апрелда юртдошимиз Вадим Куценко корейс теннисчиси Чунг Хе Сеокка қарши кортга чиқиб, 2:6, 4:6, 6:4, 1:6 ҳисобида мағлубиятга учради. Таниқли теннисчимиз Олег Огородов эса Сеунг Бок Бак устидан 6:1, 6:3, 6:1 ҳисобида ғалаба қозониб, вазиятни тенглаштирди.

6 апрель куни бўлиб ўтган жуфтлик баҳси анчагина қизиқарли ва муросасиз кечиб, унда юртимиз ракетка усталарининг қўли баланд келди. О.Огородов ва В.Куценко жуфтлиги Чунг Хе Сеок ҳамда Донг Хйун Кимни 6:4, 3:6, 6:2, 4:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Беллашувнинг ҳал қилувчи сўнгги кунида Олег Огородов Чунг Хе Сеокка биринчи сетда 6:7 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса-да, кейингиларида вакилимиз рақибига имконият қолдирмади – ҳисоб 6:4, 6:0, 6:2 бўлди. Вадим Куценко эса Сеунг Бок Бакдан устун келди – 7:6, 6:4. Шундай қилиб, юртдошларимиз кореялик теннисчиларни 4-1 ҳисобида енгди.

Таъкидлаш жоизки, плэй-офф учрашувлари Осиё-Океания минтақасининг энг кучсиз жамоасини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган эди. Энди ҳамюртларимиздан енгилган Жанубий Корея теннисчилари 20-22 сентябрь кунлари Индонезия-Ливан жуфтлигида 4:1 ҳисобида мағлубиятга учраган ливанликлар билан куч синашади. Минтақанинг биринчи гуруҳидаги энг заиф жамоа эса келаси йили кучсиз жамоалардан ташкил топган иккинчи гуруҳда ўйнай бошлайди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, (ЎзА).

«МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат XI миллий чемпионатининг навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари ўтказилди. Вилоятимизнинг олий табақадаги икки жамоаси Бекободда ўзаро баҳс юритдилар. Майдон эгалари ўн биринчи дақиқадаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олдилар.

Александр Мочинов жарима майдонига оширилган тўпни дарвозага аниқ йўллади. Ўйин охиригача сақланиб қолган шу ҳисоб «Металлург»га уч очко келтирди. У ўз ҳисобидаги очкони тўрттага етказиб, «Нефтчи», «Қўқон-1912», «Машъал» жамоалари билан бирга 9-12 ўринларни эгаллаб турибди. «Дўстлик» эса ўн учинчи ўринда.

Турнинг энг сермаҳсул ўйини Тошкентда бўлиб ўтди. «Трактор» — Сўғдиёна» учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда меҳмонлар 3:2 ҳисобида ғалаба қозонаётган эдилар. Майдон эгаларининг 78-дақиқадаги ҳужумини жамоа сардори Собир Ходиев дарвозани забт этиш билан якунлади ва ҳисобни тенглаштирди.

Самарқандда ҳам ўйингоҳга йиғилган мухлислар дарвозаларга киритилган 5та тўпнинг гувоҳи бўлдилар. Майдон эгаларининг тўрт тўпига меҳмонлар бир тўп билан жавоб қайтардилар. Бухороликлар дарвозасига Равшан Бозоров учта тўп киритиб, «хет трик»ка эришди. У тўпурарлар баҳсида беш тўп билан карвонбоши бўлиб олди.

«Пахтакор» — «Нефтчи» учрашуви кескин вазиятларга бой бўлиб, ҳужумкор руҳда ўтди. Майдон эгалари ҳар бўлимда биттадан тўп киритиб, 2:0 ҳисобида мамлакат чемпионини мағлуб этдилар. Худди шундай 2:0 ҳисоби яна икки учрашувда қайд этилди: «Қизилқум» — «Сурхон» ва «Навбаҳор» — «Қўқон-1912».

«Машъал» — «Зарафшон» учрашувида олий табақанинг янги жамоаси рақиб дарвозасига киритилган ягона тўп ҳисобига уч очкони қўлга киритди. Чемпионатда тўрт учрашувдан сўнг тўрт ғалаба қозонган «Қизилқум» ва «Пахтакор» жамоалари пешқадамлик қилмоқдалар. «Самарқанд»

O'ZBEKISTON 2002 FUTBOL XI CHEMPIONATI

Д» жамоаси 9 очко тўплаб, учинчи ўринни эгаллаб турипти. Чемпионатнинг навбатдаги бешинчи тур ўйинлари 13 апрель, шанба куни бўлиб ўтади. «Дўстлик» ўз майдонида «Андижон» жамоасини қабул қилса, «Металлург» Термизда «Сурхон»га қарши майдонга тушади. 10 апрель, чоршанба куни Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг чорак финал учрашувлари бўлиб ўтади.

Талъат ЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-355. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Адади 9218 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.